CHIRCHIQ SHAHAR XOKIMLIGI
XUZURIDAGI TADBIRKORLIK
SUB'EKTLARINI RO'YXATDAN
O'TKAZISH INSPEKTSIYASI
TOMONIDAN
RO'YXATDAN O'TKAZILDI
23 сентября 2014 yil
REESTR № 2207 (03470)

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“O’zbekiston qattiq qotishmalar va o’tqa chidamli metallar kombinati” Aksiyadorlik Jamiyati Акциядорларининг томонидан 19.08.2014 йилдаги
Имзоланган сана
29.08.2014 йил

“O`zbekiston qattiq qotishmalar va o`tga chidamli metallar kombinati” Aksiyadorlik Jamiyati

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАҲРИРИ)

Чирчиқ шаҳар, 2014

I. ЖАМИЯТНИНГ НОМИ ВА ЖОЙЛАШГАН ЕРИ ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1.1.Жамиятнинг номи:

-давлат тилидаги тўлиқ номи:

“**O`zbekiston qattiq qotishmalar va o`tga chidamli metallar kombinati**” aksiyadorlik jamiyati;

-давлат тилидаги қисқартирилган номи:

“**O`zQQO`ChMK**” AJ;

-рус тилидаги тўлиқ номи:

Акционерное общество “**Узбекский комбинат тугоплавких и жаропрочных металлов**”;

-рус тилидаги қисқартирилган номи:

-АО “**УзКТЖМ**”;

-инглиз тилидаги тўлиқ номи:

-joint stock company “**The Uzbek combine of refractory and heat resisting metals**”;

-инглиз тилидаги қисқартирилган номи:

-JSC «**UzCRHRM**».

1.2.Жамиятнинг жойлашган ери, почта манзили: 111709, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, В. Хайдаров кўчаси,1.

Жамиятнинг электрон почта манзили**: info@uzktjm.uz**

Жамиятнинг расмий веб-сайти: **www.uzktjm.uz**

1.3.“O`zQQO`ChMK” AJ, келгусида “жамият” деб аталади, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2002 йил 19 июндаги №163-к-ПО-сонли буйруғига асосан ташкил этилган.

1.4.Жамият юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва мазкур Низомга асосан амалга оширади.

1.5.Жамият филиаллар ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

1.6.Жамият акциядорлик жамияти ёки маъсулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

1.7.Жамият мустақил балансига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда ҳисоб варақларига ва бошқаларга эга.

1.8.Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисоб варақлари очиш ҳуқуқига эга.

1.9.Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган хамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда кўрсатилган бўлиши мумкин.

1.10.Жамият ўзининг номи ёзилган штампи ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқоролик муомаласи иштирокчиларнинг, товарларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларига эга.

1.11.Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шунингдек,ташқарисида ҳорижий ҳамкорлар билан амалдаги қонунлар доирасида шартномалар, битимлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаши мумкин.

1.12.Жамият ўз фаолиятини маҳсулотлар ва хизматлар талабини инобатга олган ҳолда мустақил режалаштиради, ривожланиш истиқболини, ижтимоий ва ишлаб чиқариш тараққиётини таъминлайди, меҳнат жамоаси аъзолари ҳамда акциядор даромадини ошириш йўлларини аниқлайди.

1.13.Жамият ўз маҳсулотларига ва кўрсатилаётган хизматларига мижозлар билан шартномалар асосида нархларни белгилайди ёки уларни эркин нархларда сотувга чиқаради.

1.14.Жамият ўзининг мулки чегарасида жавобгарликни олади.

1.15.Жамият турли шаклдаги ва мазмундаги шартнома ва келишувларни ўз номидан имзолаш ҳуқуқига эга:

-жорий хўжалик фаолияти даврида амалга оширилаётган;

-акция ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ;

-жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш, ёҳуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш билан боғлиқ битим (шу жумладан, қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активларидан 15 фоизини ташкил этади.

1.16.Янги қонун ва қонун ҳужжатларини қабул қилиниши билан Низомдаги ушбу қонунларга зид бўлган қисмларига ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

1.17.Жамият фаолият муддати чекланмаган.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДЛАРИ

2.1.Жамият фаолиятининг мақсади устав фаолиятидан даромад олиш,шунингдек:

- Ўзбекистон Республикаси бозорларини юқори сифатли товарлар билан тўлдириш;

- инвестицияни жалб қилиш йўли ва жамиятнинг фан-техника ютуқлари ҳисобига модернизация ва техник қайта жиҳозлашни амалга ошириш;

- импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган юқори технологияли қаттиқ қотишмали, улар асосидаги аралашмали металл маҳсулотлар чиқариш ва уларни ташкил этиш;

- жамиятниниг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган фаолият турларини ва талабларини эркин муомаладаги валютада қоплаш;

- меҳнат жамоасининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини олинган даромадлар ҳисобига амалга ошириш.

2.2.Жамият фаолиятининг предмети:

-товарлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш, корхона, ташкилот ва фуқороларга хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос ташқи иқтисодий фаолият;

-қаттиқ қотишмали ва ўтга чидамли металлар ҳамда қаттиқ аралашмалар ишлаб чиқаришда юқори технологияларни тадбиқ этиш;

-ишлаб чиқариш чиқиндиларидан қимматбаҳо компонентларни комплекс(камёб ва бошқа рангли металлар) ажратиб олиш;

-кукунли ва уйғунлашган материалларни ишлаб чиқаришда янги технологияларни қайта ишлаш ва тадбиқ этиш;

-халқ истеъмоли товарлари ва техник ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар чиқариш бўйича инфраструктуралар ва ишлаб чиқаришни яратиш;

-энергия русурсларини реализация қилиш;

-хўжалик электр жиҳозларни ўрнатиш ва профилактик тажрибалар тартибга келтириш ишларини амалга ошириш;

-инвестицияларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлашга жалб қилиш;

-товарлар, хизматлар ва капитал бозорни ўрганиш;

-Ўзбекистон Республикаси фуқоролари ва ташкилотларига ҳамда ҳорижда агентлик ва бошқа расмий хизматларни ташкил этиш;

-консигнацион, маркетинг, дилер ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш;

-илмий техник, реклама, консалтинг факторли ва бошқа тадбиқ этувчи хизматларни кўрсатиш.

2.3.Жамиятнинг фаолияти мазкур Низомда кўрсатилганлар билан чекланмайди. Низомдан ташқари лекин, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига зид бўлмаган келишувлар ҳақиқий ҳисобланади.

2.4.Махсус рухсатнома талаб этувчи фаолият турлари ўрнатилган тартибда лицензиялар олингандан сўнг амалга оширилади.

2.5.Жамият юридик шахс ҳисобланади, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан, ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ

3.1."O`zQQO`ChMK"AJнинг таъсисчиси Ўзбекистон Республика хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳисобланади.

3.2.Жамият устав фонди (капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

3.3.Жамият устав фонди(капитали) жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.4.Жамият оддий акциялар, шунингдек имтиёзли акцияларни ҳам жойлаштиришга ҳақли. Акциялар ҳужжатсиз шаклда чиқарилади.

3.5.Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса,ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси-акциядор деб эътироф этилади.

3.6.Жамият мулки акциялар тўлов бадаллари (устав фонди), хўжалик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олинган даромадлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига зид бўлмаган асосда орттирилган бошқа мулклар ҳисобига ташкил этилади.

3.7.Акциядорлик жамияти давлат корхонаси негизида ташкил этилган бўлиб, мавжуд мулк, пул маблағлари ва бошқа молиявий ресурсларини, шунингдек "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати"давлат корхонаси қайта ташкил қилинаётганда мавжуд қарзлари билан тўлиқ қабул қилувчиси ҳисобланади. Устав фонди(капитали)нинг бошланғич қиймати "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати" давлат корхонасининг мулкини (асосий фонд) баҳолаш натижасида аниқланган. Устав фонди миқдори 27 329 910 000 сум бўлиб, 27 329 910 дона оддий акцияга бўлинган.

Бир дона акциянинг номинал қиймати 1 000 сум.

3.8.Қўшимча чиқариладиган акциялар тўловидан келиб тушадиган пул маблағлари Жамиятнинг ҳисоб рақамига туширилади. Жамиятнинг устав фондига хорижий валютада киритиладиган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси буйича айирбошланади. Хорижий валютадаги пул маблағлари Жамиятнинг валюта ҳисоб рақамига келиб тушади.

3.9.Акциялар тўлови учун келиб тушган қимматли қоғозлар Жамиятнинг махсус депо ҳисоб варақларида ҳисобга олинади ва амалдаги қонунчиликка асосан ўрнатилган тартибда сақланади.

IV. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

а)Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш

4.1.Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.2.Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисида ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.3.Қўшимча акциялар эълон қилинган жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилади.

4.4.Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.5.Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларнинг жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.6.Жамият Кузатув кенгашининг қўшимча акцияларни жойлаштириш ёки акцияларнинг номинал қийматини ошириш тўғрисидаги қарори, жамиятнингустав фондини (устав капиталини) ошириш қарори ҳисобланади.

б) Жамиятнинг устав фондини камайтириш

4.7.Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.8.Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан Акциядорнинг қарорига мос равишда камайтирилади.

4.9.Жамият устав фонди (устав капитали)ни камайтиришга, агар бунинг натижасидаунинг миқдори жамият устав фондининг (устав капиталининг) жамият уставидаги тегишли ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, ушбу Қонунда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

4.10.Жамият устав фонди (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядор томонидан қабул қилинади.

4.11.Жамият устав фонди (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётганда Акциядор устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

5.1.Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва жамият Уставига асосан акциялар, корпоратив облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар чиқариши ва жойлаштириши мумкин.

5.2.Жамият акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар орқали амалга оширади.

5.3.Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи

акцияларнинг эгалари бўлган Акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

5.4.Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

5.5.Жамият томонидан жойлаштирилаётган акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда булиши шарт.

5.6.Жамият акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга ошириш муддати 30 кун.

5.7.Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисидаги қарори акциядорнинг қарорида белгиланган муддат давомида, аммо бундай қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан кўпи билан бир йил давомида амал қилинади.

VI.ДАРОМАДЛАР ВА ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ҲАМДА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

6.1.Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

6.2.Жамият акцияларнинг ҳар бир тури буйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

6.3.Дивиденд жамият Акциядори қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.4.Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ёки ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

6.5.Акцияларнинг ҳар бир тури буйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда Акциядорлар томонидан қабул қилинади.

6.6.Дивидендлар миқдори жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

6.7.Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши керак.

6.8.Жамият рад этган тақдирда, Акциядор дивидендлар тўлашни суд тартибида талаб қилиши мумкин.

6.9.Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш пайтида жамият дивидендлар тўлаш натижасида банкротлик белгилари сезилса, ёки жамиятнинг соф активи устав фондидан (устав капиталидан) ва заҳирадаги фонддан кам бўлганда дивидендлар тўлаш ва акциялар бўйича дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

VII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

7.1.Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

7.2.Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.3.Жамият устав капиталининг 15 фоизи миқдорда жамият захира фонди тузилади.

7.4.Жамият захира фондига ушбу уставнинг 7.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказади.

7.5.Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VIII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

8.1.Жамият бошқарув органлари - Акциядор, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бошқарув).

8.2.Жамият Акциядори ҳар йили қонунчиликда белгиланган масалаларни кўриб чиқиши шарт. Акциядор молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай қонунчиликда белгиланган масалаларни кўриб чиқади.

8.3.Жамият барча оддий акциялари битта Акциядорга тегишли бўлганлиги учун акциядорлар умумий йиғилишни ўтказмайди. Мазкур Низом билан Акциядорнинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар Акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ва ёзма шаклда расмийлаштирилади.

8.4.Акциядорнинг ваколатига қуйидагилар киради:

1)жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

2)жамиятни қайта ташкил этиш;

3)жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4)жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5)эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6)жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

7)ўз акцияларини олиш;

8)жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9)жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

10)жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

11)жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

12)жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

13)акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

14)акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

15) жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

16)баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор;

17)қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.5.Акциядорга тегишли бўлган масалалар Ижроия органига берилмайди.

8.6.Акциядорга тегишли бўлган масалалар Кузатув кенгашига берилмайди.

IX. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

9.1.Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Ушбу жамият устави ва қонунчилик билан Акциядор ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

9.2.Акциядор қарорига кўра жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаражатларнинг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори Акциядорнинг қарорида белгиланади.

9.3.Жамиятнинг Кузатув кенгаши ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1)жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2)жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек, жамият уставига устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масалаларини ҳал қилади;

3)мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

4)жамиятни бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5)жамиятнинг йиллик бизнес режасини тасдиқлаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

6)ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

7)жамият Бошқарув органи фаолиятига даҳлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарув органидан олиш. Олинган ҳужжатлардан жамият Кузатув кенгаши фақат хизмат мақсадларидан фойдаланиши мумкин;

8)аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорларини белгилаш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;

9)жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

10)дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

11)жамиятнинг заҳира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

12)жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

13)жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

14)баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор;

15)жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

16)жамият томонидан корпоратив облигациялар шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигацияларни чиқариш тўғрисида қарор қабур қилиш;

17)акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

18)қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

19)жамият томонидан корпоратив облигациялар шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигацияларни чиқариш тўғрисида қарор қабур қилиш;

20)Бошқарув органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни миқдорини белгилаш;

21)жамият номидан Бошқарув Раисини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномасини имзолаш;

22)жамият Бошқарув органлари фаолиятини тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

23)қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш.

9.4.Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига бошқа қарорлар ва масалаларни мазкур жамият уставига мос равишда ҳал қилиш киради.

Жамият Кузатув кенгашига тегишли бўлган масалалар жамиятнинг Ижроия органига ҳал қилиш учун берилмайди.

9.5.Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Акциядор томонидан 1 йил муддатга 5 кишидан иборат таркибда сайланади.

9.6.Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига сайланган шахслар қайта сайланиши чекланмаган.

9.7.Бошқарув аъзолари ва Бошқарув раиси жамият Кузатув кенгаши аъзолигига сайланмайди.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ушбу жамиятда меҳнат шартномасига асосан ишлайдиган ҳодим бўлиши мумкин эмас.

9.8.Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига сайланаётган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Акциядор томонидан белгиланади.

9.9.Жамият Кузатув кенгашининг Раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

9.10.Жамият Кузатув кенгаши ўз Раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонидан кўпчилик овоз билан қайта сайлаш ҳуқуқига эга. Жамият Кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади.

9.11.Жамият Кузатув кенгаши Раиси унинг ишини ташкил қилади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва унда раислик қилади, мажлисларда баённомаларни юритишни ташкил этади.

9.12.Жамият Кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

9.13.Жамият Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаши Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси (тафтишчиси), Ижроия органи аъзосининг, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

9.14.Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгаши ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамиятнинг устав фондини акцияларини номинал баҳосини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорни, қўшимча акцияларни жойлаштириш ва жамият уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизидан 50 фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди. Агарда Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан йирик битим тўғрисидаги қарор қабул қилинмай қолганда ушбу қарорни қабул қилиш Акциядорга киритилади.

Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

9.15.Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришга йўл қўйилмайди.

9.16.Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгашининг баённомаси мажлис ўтказилгандан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

-мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

-мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

-мажлиснинг кун тартиби;

-овоз беришга қўйилган масалалар, овоз бериш якунлари;

-қабул қилинган қарорлар.

9.17.Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, кун тартибидаги масала бўйича белгиланган вақт регламентига кўра сўзга чиқиш;

-Кузатув кенгаши қарорига кўра белгиланган давр мобайнидаги фаолият тўғрисида, унинг ривожланиш режалари тўғрисида ахборот олиш.

9.18.Кузатув кенгаши аъзолари акциядор жамиятнинг имкониятларидан шахсий бойлик орттириш мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

9.19.Кузатув кенгаши аъзолари у ёки бу қарорларни қабул қилинганда кўрсатган таъсири учун тўғридан-тўғри ёки бошқа йўл билан ҳақ олишга ҳақли эмас.

9.20.Қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлик жамияти олдида жавобгардирлар.

9.21.Жамиятга зарар етказилишга сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

9.22.Кузатув кенгаши ваколати жамият устави билан белгиланади. Кузатув кенгаши фаолияти тартиби Акциядор томонидан тасдиқланган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга асосан белгиланади.

X. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

10.1.Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш жамият Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарувни ташкил этилиши ёки муддатидан илгари ваколатини тугатиши Акциядор қарорига кўра амалга оширилади.

10.2.Жамият Бошқаруви жамият Акциядори ва Кузатув кенгаши қарорларини бажаришни ташкил этади.

10.3.Жамият Бошқарув органи ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядор ёки Кузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.4.Жамият Бошқаруви 7 кишидан иборат бўлиб, Акциядор томонидан 1 йил муддатга тайинланади.

10.5.Бошқарув Раиси жамият номидан ишончномасиз иш юритади, жамият номидан битимлар тузади.

10.6.Бошқарув Раиси билан шартномани Кузатув кенгаши Раиси ёки Кузатув кенгаши ваколатидаги шахс томонидан имзоланади.

10.7.Бошқарув Раиси ваколатлари:

-жамият Раиси жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан, унинг манфаатларини ифодалайди;

-мулк ва пул маблағларини бошқаради;

-баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизигача ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор;

-филиаллар ва ваколат хоналар раҳбарларини тайинлайди;

-жамият номидан битимлар ва шартномалар тузади, шу жумладан меҳнат шартномалар;

-ишончномалар беради;

-банк ҳисоб варақлари ва бошқаларни очади;

-жамиятнинг барча ҳодимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар беради;

-штатларни тасдиқлайди.

10.8.Бошқарув Раиси ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

-Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Акциядор ваколатига кирмайдиган масалаларни кундалик фаолиятида ўз ваколати доирасида раҳбарлик қилади;

-Жамиятнинг шартномавий мажбуриятларини бажаришни таъминлайди;

-Жамиятнинг ривожланиш бизнес режаси ва дастурини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш ва бажариш назоратига раҳбарлик қилади;

-Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг ишончлилигига тегишли ишларни ташкил қилади, йиллик ва молиявий ҳисоботларни тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди, шу билан бирга жамият фаолияти маълумотларини Акциядор, кредиторлар ва бошқа маълумот олувчиларга етказилишини таъминлайди. Бошқарув Раиси ҳар чоракда йиллик бизнес режа бажарилиши борасида Кузатув кенгашига ҳисобот беради;

-Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори томонидан молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни эътирозсиз тақдим қилади;

-тегишли органларга давлат статистика ҳисоботларни тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

-Жамиятнинг тижорат сири ҳисобланган маълумотларни сир сақлайди. Кузатув кенгаши томонидан жамиятнинг тижорат сири ҳисобланган маълумотлар рўйҳати белгиланади;

-Жамият ҳодимлари томонидан хизмат ва тижорат сири ҳисобланган маълумотларни сақланишини таъминлайди;

-Жамиятнинг Бошқарув мажлисларини ўтказилишини ташкил қилади, жамият номидан ҳужжатларни имзолайди шу жумладан Бошқарув мажлислари баённомаларини ҳам;

-жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш чораларини кўради;

-меҳнат ва технологик интизомни қўллаб-қувватлаш;

- жамият ҳодимларнинг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий кафолатларига риоя қилишни таъминлайди;

-жамоа шартномаларида Бошқарув вакилларнинг иштирокини таъминлайди. Жамоа шартнома ва келишувларни имзолашда иш берувчи сифатида иштирок этади, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажаради;

-амалдаги қонунларда белгиланган Акциядорни маълумотларни олиш тўғрисидаги ҳуқуқларига риоя қилиш, дивидентларни ҳисоблаш ва тўлаш.

10.9.Жамият Бошқарувининг ваколатлари:

-ривожланишининг устувор йўналишлари амалга оширилишини, махсулот ишлаб чиқариш ва экспорт хажмининг прокнози хамда баркарор ўсиш суратларини таъминлаш;

-Жамият ижтимоий-иқисодий ривожланиш дастуридаги мухим йўналишларни қатъий амалга ошириш юзасидан чора- тадбирларнинг бажарилишини тахлил қилиш;

-уюшма бизнес-режасининг асосий вазифаларини бажарилишини назорат қилиш;

-Жамият цехларида ва бўлинмаларида мехнат қонунчилига риоя қилинишини назорат қилиш;

-бухгалтерия хисоби ва хисобот хужатларини тузиш,тегишли холотда булиши ҳамда ишончлилигини таъминлаш;

-дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш чара-татбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

-янги иш ўринларини ташкил этиш,кадрларни танлаш ва жойлаштириш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасининг ошириш, ҳамда тарбиялаш, дастурини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш;

-бизниснинг янги йўналишларини ўзлаштириш янги бозорларни эгаллаш бўйича таклифлар киритади.

10.10.Жамият Бошқарувининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

-Акциядор ва Кузатув кенгаши қарорларини бажаришни ташкил қилади;

-Жамиятнинг барча таркибий бўлинмалари цехлари ва ишлаб чиқариш бирликларида ўзаро самарали алоқаларни таъминлайди;

-ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш ривожи учун зарур бўлган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;

-Жамият фаолиятида қонун талабларига риоя қилишни таъминлайди;

-белгиланган муддатларда Акциядор ва жамият Кузатув кенгашига ўз ваколат доирасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маърузалар тақдим қилинади;

-амалдаги қонун ҳужжатларга ва бошқа норматив ҳужжатларга шунингдек ички ҳужжатларга риоя қилиш.

10.11.Жамият Бошқарувининг мажлиси 1 ойда камида бир марта ўтказилади. Бошқарув томонидан Кузатув кенгаши ёки Акциядор қарори учун киритиладиган масалалар ўрнатилган тартибда муҳокама қилинади.

10.12.Бошқарув мажлисини Бошқарув Раиси ўтказади ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга тааллуқли бўлган унинг ўринбосарларидан бири ўтказади.

10.13.Бошқарув мажлисида котиб тайинланиб, у “O`zQQO`ChMK” AJ Бошқарув мажлис баённомаларини юритади. Бошқарув мажлиси баённомаларидан нусхалар қуйидагиларга:

-Кузатув кенгаши Раиси ва Тафтиш комиссияси раҳбарига мажбурий тартибда берилади;

-бошқа мансабдор шахслар ва аудиторнинг сўровига фақат Бошқарув раиси розилиги билан берилади;

-бошқа шахслар ва органларга(шунингдек давлат органларига) қонунда назарда тутилган пайтдагина берилади.

10.14.Агарда Бошқарув аъзолари акциядорлик жамияти томонидан тузиладиган битимларда молиявий манфаатдор бўлган тақдирда у ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида Бошқарув томонидан қарор қабул қилингунга қадар хабар қилиши лозим ва ушбу келишув мухокамасида овоз беришда иштирок этмайди.

10.15.Бошқарув органи аъзолари ўзлари билан меҳнат муносабатларда булган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатини кўзлаб ўз лавозим мавқеидан фойдаланиши мумкин эмас.

10.16.Бошқарув органи аъзолари акциядорлик жамияти мулки ҳисобидан шахсий фойда олиш ҳаракатларини амалга оширмаслиги лозим.

10.17.Бошқарув органи аъзоси ўз фаолияти давомида хизмат ва маҳсулотлар етказилиши билан боғлиқ қийинчиликлар туғдирувчи фаолият кўрсатувчи корхоналар таъсис этиши ва иштирок этиши мумкин эмас. Бундай корхоналарда ўз фаолиятини олиб бораётган Ижроия органи аъзоси акциядорлик жамиятидаги ушбу фаолиятини тўхтатиши керак ва бу ҳақда Кузатув кенгашига хабар қилиш керак.

10.18.Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва ушбу Низомга асосан акциядорлик жамияти аъзолари ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ва бунинг натижасида Акциядорлик жамиятига зарар етказганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

10.19. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

10.20.Агар ушбу Низом қоидаларига мувофиқ бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

10.21.Кузатув кенгаши жамиятнинг йиллик бизнес режаси кўрсатгичларини бажарилмаслиги ёки қўпол хатоликларга йўл қўйган Бошқарув Раиси билан муддатидан илгари шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

10.22.Жамият Бошқаруви фаолияти тартиби Акциядор тасдиқлаган "Ижроия органи тўғрисида"ги Низом билан белгиланади.

XI. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

11.1.Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядор томонидан жамият уставига мувофиқ 1 йил муддатга 3 кишидан иборат комиссия таркиби сайланади. Айни бир шахс айни бир Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет 3 мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.2.Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш айни бир йил якуни бўйича ёки бошқа бир давр якуни бўйича Тафтиш комиссияси, Акциядор ва Кузатув кенгаши ташаббуси билан амалга оширилади.

11.3.Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Ижроия органида лавозим эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти ҳужжатларини тақдим этишга мажбур.

11.4.Тафтиш комиссияси, Кузатув кенгашига бугалтер ҳисоби ва молия ҳисоботи тартиб ва қоидаларига мувофиқ йиллик ҳисобот ва балансlар бўйича хулоса тақдим этади.

11.5.Тафтиш комиссияси ўзининг мажлисларини баёнлаштиради.

11.6.Тафтиш комиссияси аъзолари жамият Бошқаруви мажлисларида муҳокама қилувчи овоз ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

11.7.Тафтиш комиссиясининг молия-хўжалик фаолияти якунига кўра хулосалар беради, бу хулосада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги,шунингдек, молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида ахборот кўрсатилиши шарт.

11.8.Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши, шунингдек, айни шу жамиятда меҳнат шартномаси бўйича ишлаши мумкин эмас.

11.9.Тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

- Акциядорлик жамиятининг молиявий ҳужжатларини;
- юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;
- Акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатини, Акциядорлик жамияти бошқариш органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;
- маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилари томонидан бюджетга тўловлар, облигациялар бўйича дивидендлар, фоизлар ҳисобланиши ҳамда тўланиши, бошқа мажбуриятлар узилиши ўз вақтида ва тўғри амалга оширилаётганини текшириш;
- Директорлар кенгаши ёки Акциядорлик жамияти Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигини, уларнинг акциядорлик жамияти Уставига,

Акциядорлик жамияти Бошқаруви тўғрисидаги низомга ва Акциядор қарорларига мувофиқлигини текшириш.

11.10.Тафтиш комиссиясининг фаолият тартиби Акциядор томонидан тасдиқланган "Тафтиш комиссияси тўғрисида"ги Низом билан белгиланади.

XII. ЖАМИЯТ ФИЛИАЛЛАРИНИ,ВАКОЛАТХОНАЛАРИНИ, ШЎЪБА ВА ТОБЕ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

12.1.Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

12.2.Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

12.3. Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган асосий жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба хўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба хўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади.

12.4.Шўъба хўжалик жамияти асосий жамиятнинг айби билан банкрот бўлган тақдирда асосий жамият шўъба хўжалик жамиятининг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

12.5.Асосий жамият ва шўъба хўжалик жамиятининг ўзаро муносабатлари шартнома билан белгиланади.

12.6.Филиаллар ва ваколатхоналар бошқаруви жамият Бошқарув Раиси томонидан ишончнома орқали ишларни олиб бориш ваколатига эга бўлган раҳбар томонидан амалга оширилади.

12.7.Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекитон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

12.8.Асосий жамият шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга,агарки бу ҳақда шўъба хўжалик жамияти билан тузилган шартномада ёки шўъба хўжалик жамият уставида ушбу ҳуқуқ назарда тутилган бўлса.

12.9."O`zQQO`ChMK"AJ "УЗКТЖМ-М" МЧЖ шўъба корхонасининг ягона иштирокчиси ҳисобланади.

"УЗКТЖМ-М" МЧЖ шўъба корхонаси ҳақида маълумотлар:

-давлат рўйхатидан ўтиш маълумотлари: 2009 йил 7 октябрда рўйхатга олинган, туманлараро ИФНС №46 Москва шаҳри бўйича,№209778150069, ИНН 7726288945, КПП745301001; жойлашган ери: Россия Федерацияси, 454091,Челябинск шаҳри, Труд кўчаси 84 уй.

Банк реквизитлари Екатеринбург филиали "Банк Москвы" ОАЖ, Екатеринбург шаҳри, ҳисоб рақам: 40702810901110004293, к/ҳ: 30101810400000000965, БИК 046577965, ИНН 7702000406, КПП 667102001.

12.10."УЗКТЖМ-М" МЧЖ шўъба корхонаси ўз фаолиятини "УЗКТЖМ-М" МЧЖ шўъба корхонасининг уставига ҳамда Россия Федерациясининг амалдаги қонунларига асосан амалга оширади (2009 йил 28 сентябрдаги 13-сонли қарор билан тасдиқланган "УЗКТЖМ-М" МЧЖ шўъба корхонасининг ягона иштирокчиси).

XIII. ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

13.1.Жамият қонун хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

13.2.Жамият бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар шунингдек, жамиятнинг Акциядорга, кредиторларга тақдим этиладиган маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

13.3.Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорнинг тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бугалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисоб варағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари жамият ёки унинг Акциядори билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

13.4.Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш молия ва солиқ органлари ва бошқа давлат органлари ваколат доирасида шунингдек, жамият ички аудит ва мустақил аудиторлик хизматлари томонидан улар билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

14.1.Акциядорлик жамиятини ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши шунингдек, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

XV. ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1.Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:
- Акциядор қарорига асосан;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ суд қарори билан;
- амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган бошқа асосларга кўра.

15.2.Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият Акциядорининг жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15.3.Тугатувчи жамиятнинг тугатилиши ҳақида шунингдек, унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 2 ойдан кам бўлмаслиги лозим.

15.4.Агар тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган пайтга келиб жамият кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса унинг мол-мулки Акциядор ўртасида тақсимланади. Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек,кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабар беради.

15.5.Кредиторларнинг талаблар қўйиши учун белгиланган муддат тугагандан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўриб чиқилади. Оралиқ тугатиш баланси тугатилаётган жамият акциядорларининг томонидан тасдиқланади.

Агар тугатилаётган жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириши учун етарли бўлмаса, тугатувчи жамиятнинг мол-мулкини суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда кимошди савдосида сотишни амалга оширади.

Тугатилаётган жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатувчи томонидан конун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида оралиқ тугатиш балансига мувофиқ ушбу баланс тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугагандан кейин тугатувчи тугатиш балансини тузади, тугатиш баланси тугатилаётган жамият Акциядорининг томонидан тасдиқланади.

Тугатувчи ушбу бандда назарда тутилган тартиб таомиллар тугалланганидан кейин жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини бекор қилиш юзасидан зарур тадбирларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширади.

15.6.Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

15.7.Жамиятни қайта ташкил этиш Акциядор қарорига кўра қўшиб олиш, қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб хисобланади.

15.8.Жамиятни тугатиш ва қайта ташкил этиш давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бошқарув Раиси **И.Асадов**



«Тасдиқланган»
“ЎзҚҚЎЧМК” АЖ Кузатув
Кенгаши йиғилишининг
2015 йил 30 ноябрдаги 6-сонли
Баённомасида

“Ўзбекистон Қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати”

Акциядорлик жамияти Уставига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар

Модда, банд	Эски тахрир	Янги тахрир
11-модда, банд 6.1	11.6.1. Жамият бошқаруви раиси Кузатув кенгашининг қарори билан ва кейинчалик Акциядорлар Кенгаши умумий йиғилишида тасдиқланади. Акциядорлик жамияти номидан кузатув кенгаши раиси у билан меҳнат шартномаси тузади.	11.6.1. Жамият бошқарув раиси Кузатув кенгаши қарори билан танлов асосида хамда Акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланиши билан тайинланади. Танловда хорижий менежерлар хам иштирок этиши мумкин. Акциядорлик жамияти номидан Кузатув кенгаши раиси Жамият бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини тузади.
2-модда, банд 2.6.	-	2.6. Ҳар йили хайрия ва бошқа бепул ёрдамлар учун ажратилган харажатлар ўтган йилда олинган соф даромаднинг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги керак, хамда бизнес-режа кўрсаткичларини бажаришда ўтган ҳисобот йилининг соф даромадлар қисмида амалга оширилади.